

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

28 Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва
алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-7*

(2013 йил 19 январдан кучга киради)

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 7-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда), «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2011 й., 10-сон, 272-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 10 декабрда 04-02-05/809, 98-156-сон ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 6 декабрда 02/8-42-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 589, 1999 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 2-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2012 йил 12 декабрь,
88-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2012 йил 12 декабрь,
2012-34-сон

Б. ПАРПИЕВ

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2012 йил 12 декабрь,
01-02/8-34-сон

З. ДУСАНОВ